

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 06.03.92 й. 548-12 қарори ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 18.03.92 й. № 29 буйруғига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошидаги атмосферани муҳофаза қилиш ва уни халқ хўжалиги корхоналарининг ташландиқларидан инфосланишини камайтириш, шунингдек захарли саноат ва маиший чиқиндиларни зарарсизлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечиш мақсадида "Atmosfera" илмий-тадқиқот ва лойиҳа-технология давлат институти (қуйида "Atmosfera" ITLTI) ташкил этилди. Юқорида зикр қилинган муаммолар бўйича "Atmosfera" ITLTI бош корхона этиб тайинланди.

1.2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республиканинг корхоналар тўғрисидаги Қонуни асосида, ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

1.3. "Atmosfera" ITLTI давлат корхонаси ҳисобланиб, тўла хўжалик ҳисобида ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида ишлайди ва ўзининг илмий-техник ва ижтимоий ривожланиши учун кетадиган пулни янги ишланмалар ва технологияларни амалиётга жорий қилиш орқали таъминлайди, шунингдек хусусий мулк эгаси сифатида, институтнинг хўжалик фаолияти натижалари учун тўла масъулиятни ўз зиммасига олади.

"Atmosfera" ITLTI коллективи мустақил равишда хўжалик юритиш усулини аниқлайди. Иш фаолияти бўйича тугатилган кирим-чиқимларига эга.

1.4. "Atmosfera" ITLTI - давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик билан бошқариш учун берилган мулк негизида ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига бириктирилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларида, мулкдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи - муассиснинг) топшириқларига ҳамда эгалик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади;

"Atmosfera" ITLTI муассасаси (кейинги ўринларда муассаса деб аталади) - давлат бошқарув органи, ушбу органлар мақомини белгилайдиган ҳужжатларга мувофиқ; белгиланган уларнинг ваколати доирасида давлат корхонасини таъсис этишга вакил қилинган маҳаллий давлат ҳокимияти органидир.

1.5. "Atmosfera" ITLTI алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

"Atmosfera" ITLTI қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлади.

1.6. "Atmosfera" ITLTI муассис розилиги билан қонун ҳужжатларига

мувофиқ тижорат ташкилотлари, шунингдек уларда юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотлар қатнашчиси (аъзоси) бўлади.

II. Давлат корхонасини таъсис этиш хусусиятлари

2.1. "Atmosfera" ITLTI ўз иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва расмий хужжат қоидаларига, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қарорлари, буйруқлари ва қўлланмаларига ва ушбу Низомга амал қилади ва улардан тўғри татбиқ қилинишини таъминлайди.

2.2. "Atmosfera" ITLTIни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруғи асосида тайинланадиган ёки ўз вазифасидан четлаштириладиган директор бошқаради.

2.3. "Atmosfera" ITLTI фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Саноат корхоналарининг атмосферага чиқараётган заҳарли, медицина ва маиший чиқиндилари, қишлоқ хўжалигининг пестицидлари ва ўта заҳарли кимёвий моддаларни зарарсизлантирувчи илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, янги усулларни яратиш, лойиҳалаш ва технологияларни ишлаб чиқиш, янги жихозлар яратиш.

- Экология бўйича экспертизалар, илмий-амалий ва тадқиқот ишларини ташкил қилиш.

- Қонун томонидан ўрнатилган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш.

- Илмий-техник тадқиқот ишланмалари ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

- Дастурларни ривожлантирадиган ва ўқитадиган барча турдаги ўқув ва методик қўлланмаларни ошириш ва ўқитиш бўйича курслар ўқитиш.

2.4. "Atmosfera" ilmiy-tadqiqot va loyiha- texnologiya instituti ("Atmosfera" ITLTI)

Почта манзили: Ташкент ш., 100000, проспект Бунёдкор кв. «И», д.7а, телефон-факс: 273-91-80.

Корхонани низом жамғармаси 77600 сўмдан иборат.

2.5. "Atmosfera" ITLTI уставига ўзгартиришлар муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

III. Асосий вазифалар, функциялар ва структура

3.1. "Atmosfera" ITLTIнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- Саноат корхоналарининг атмосферага чиқараётган заҳарли чиқиндиларини камайишини таъминловчи, саноат ва маиший чиқиндиларни, шунингдек пестицидлар ва заҳарли кимёвий моддаларни доимий тикланувчан энергияга эга бўлиш учун улар таркибидан қимматбаҳо материаллар ва

ишларнинг ўтказиш, янги усулларни яратиш, лойиҳалаш ва технологияларни саноат ва маиший чиқиндиларни қайта ишлаб чиқариш тадқиқотлари асосида саноат ҳамда халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш;

- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг экспертиза ва назорат қилувчи, атмосфера ҳавосини таъминлашдан сақлайдиган ва чиқиндиларни зарарсизлантирувчи корхоналарнинг иш фаолиятини илмий-методик қўлланмалар билан таъминлаш, шуларнингдек чиқинди ва ташландиқларни тавсия этиш, қоида остига олиш, қўлланмага олиш, ташкилий техник тадбирлар ишлаб чиқариш, экология ва техника-иқтисодий ҳисобларни бажариш ва ҳакозолар;

- Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги корхоналарига янги ишлаб чиқарилган экологик хусусиятларини керакли даражага кўтарилишини таъминловчи ишларни ўзлаштиришда илмий-техник ва методологик ёрдам кўрсатиш, шунингдек лойиҳаларни эксперт баҳолаш, ПДВ нормаси ва корхоналарига бошқа ташкилотлар бажариши учун ҳужжатлар бериш;

- ишга тушириш, режим-созлаш ишлари, корхонага қаршли ва корхоналар ўртасидаги жиҳозларни синаб кўриш, шулар қаторида атмосферага чиқувчи захарли моддаларни камайтириш мақсадида ёқилғи ишлатувчи жиҳозларни синаб кўриш;

- табиатни муҳофаза қилувчи территориал комплекс схема ишлаб чиқариш, ишлаб турган, қурилаётган ва лойиҳаси чизилаётган корхоналарнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш, ПДВ нормаларини, экологик паспорт, методик ва бошқа материалларни ишлаб чиқариш;

- атроф муҳитнинг инсон саломатлигига таъсирини баҳолаш;

3.2. "Atmosfera" ITLTI биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси корхоналарнинг буюртмаларини бажаради, имконият бўлганда институт фаолият ихтисослигига тўғри келадиган ишларни бошқа мустақил давлатлар иттифоқи /СНГ/ республикалари учун ҳам бажаради.

3.3. "Atmosfera" ITLTI ўз фаолият ихтисослиги бўйича ҳар хил кўринишдаги халқаро ҳамкорликларда иштирок этиш, яъни битим тузиш, мутахасисларни чет элларга юбориш ва чет эл мутахасисларини қабул қилиш ҳуқуқига эга.

3.4. "Atmosfera" ITLTI ўз фаолият ихтисослиги бўйича тахририй-нашриётчилик ва реклама қилиш ҳуқуқига эга.

3.5. "Atmosfera" ITLTI дастлабки биринчи структураси Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида тасдиқланади. Кейинчалик, керак бўлса, директор тузатиш киритиши мумкин.

IV. Корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. "Atmosfera" ITLTI ҳуқуқий шахс ҳисобланади ва ўз мажбуриятларига қўра институтни мавжуд қонунчиликка асосланган ҳолда жарима солиниши мумкин бўлган мулк билан жавобгардир.

4.2. "Atmosfera" ITLTI ўз мулкнинг эгасидир ва мулк эгаси ҳуқуқларини

Уз фаолияти мақсадлари ва мулкнинг белгиланишига мос равишда амалга оширилади.

4.3. "Atmosfera" ITLTİ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ~~биргаликда~~ ҳуқуқларга эга;

фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;

таъсис этган низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

корхона ходимлари билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин ~~қўйиш~~;

мулкига оид битимларни ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш тўғрисидаги ~~қонун~~ билан судга мурожаат қилиш;

V. Давлат корхонасининг мулки

5.1. "Atmosfera" ITLTİ нинг мулки:

муассис томонидан давлат корхонасига тезкор бошқариш ҳуқуқи билан ~~берилган~~ мулк;

Ўз фаолиятдан олинган даромадлари;

қонун ҳужжатларига зид булмаган бошқа манбалар ҳисобига ~~шакллантирилади~~;

мулкнинг қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттирилади.

5.2. "Atmosfera" ITLTİ мулкни тезкор бошқариш ҳуқуқи топшириш - қабул қилиб олиш, далолатнома корхона раҳбари ва муассис томонидан ~~иниқланган~~ вақтдан бошлаб пайдо бўлади.

5.3. "Atmosfera" ITLTİ мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва қўшилган хиссалар (улушлар, пайлар) буйича, шу жумладан давлат корхонаси ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

5.4. "Atmosfera" ITLTİ мулкни тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда ~~давлат~~ корхонасининг ижро этувчи органи томонидан муассис билан ~~қилинган~~ ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

мулкни хўжалик жамияти низом жамғармасига улуш сифатида қўшиш;

хўжалик жамиятларидаги давлат корхонасига тегишли акциялар ~~(улушлар)~~ни сотиб олиш;

мулкни давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган ~~башқача~~ тарзда тасарруф этиш.

VI. Давлат корхонаси раҳбарининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

6.1. "Atmosfera" ITLTİ директори институт номидан ваколатномасиз иш ~~қилиши~~ ва маҳаллий ҳокимият ташкилотларида, барча давлат ва жамоат ~~ташкилотларида~~ суд маҳкамалари ва ҳакамлар судида институт номидан ~~қилиши~~.

6.2. "Atmosfera" ITLTİ директор иш фаолиятини ва меҳнат коллективини ~~биргаликда~~ биргаликда марказлаштирилган ҳолда олиб боради. У давлат ва

меҳнат коллективи эҳтиёжларини белгилайди, институтнинг бутун фаолиятини бошқаради ва ишни ташкил этади. Институтнинг иш натижалари учун жавобгарликни давлат, юқори ташкилотлар ва меҳнат коллективи олдида ўз зиммасига олади.

6.3. "Atmosfera" ITLTИ мулкани бошқаради, шартномалар тузади, ишонч қоғозлари беради, банкларда институтнинг ҳисоб-китоб ва бошқа счётларини очади ва бекитади. Буйруқлар чиқаради ва бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар беради, шунингдек ишга қабул қилади, бошқа лавозимга ўтказади, лавозимидан четлаштиради, бўшатади, рағбатлантиради ва маъмурий жазо беради, банк ташкилотларида ҳисоб-китоб операцияларини бажаради ва кредитларни бошқаради.

6.4. "Atmosfera" ITLTИ директори қуйидаги ҳуқуқларга эга;

- структура бўлинмалари ташкил этиш, шунингдек структура бўлинмалари ҳуқуқига эга бўлган, банкларда алоҳида счётли ва алоҳида маблағли регионал ва ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этиш ва уларнинг низом ва штат жадвалларини тасдиқлаш;

- институт фаолияти бўйича ишлайдиган кичик, қўшма ва бошқа корхона ва ташкилотлар ташкил қилиш;

- ўзининг муовинларини, бошқарув аппарати ходимларини, регионал бўлим бошлиқларини ва бошқа структура бўлинмалари ходимларини тайинлаш ва бўшатиш, шунингдек лавозим инструкциясини тасдиқлаш;

6.5. Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларнинг /ИТ ва ТКТИ/ асосий йўналиш ва натижаларини муҳокама қилиш учун "Atmosfera" ITLTИ директори ҳузурида илмий кенгаш ташкил этилади. Директор институтнинг илмий-техник фаолиятини бошқаради, ишлаб чиқариш юқори савияда бўлишини таъминлайди, илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ва технология ишларнинг /ИТ ва ТКТИ/ режаларини тузиш ва уларни бажаришда раҳбарлик қилади.

6.6. Директор қуйидагилар бўйича шахсан жавобгар:

- Ўзбекистон Республикасининг ҳуқумат қонун ва қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруқ ва бошқа норматив актларини тўғри ва ўз вақтида бажариш;

- молиявий ва шартномалар тартибига риоя қилиш;

- кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва меҳнат интизомини сақлаш.

6.7. Директор муовини ва бошқа лавозимли шахсларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва масъулиятлари директорнинг вазифаларни тақсимлаш тўғрисидаги буйруғи билан белгиланади,

6.8. "Atmosfera" ITLTИ мавжуд бўлган ўз мулкига, агар амалдаги қонунларга биноан масъулият талаб қилинган бўлса, ўз мажбурияти бўйича жавоб беради.

VII. Хўжалик фаолияти, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш.

7.1. "Atmosfera" ITLTИ ўзининг хўжалик фаолиятида шу кундаги ва

истикболли илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларига асосланади.

7.2. "Atmosfera" ITLTI ўз фаолиятини корхона, ташкилотлар, муассасалар ва яқка шахслар билан ҳамкорлик асосида олиб боради.

7.3. "Atmosfera" ITLTI ўз фаолияти ихтисослиги бўйича хусусий фирма, корхона, вақтинча ижодий ишлаб чиқариш гуруҳлари ва бошқа шу каби гуруҳларни ташкил этиш ҳамда уларга институтда ишлайдиган етук мутахасислар жалб этилади.

7.4. "Atmosfera" ITLTI хўжалик фаолиятини меҳнатга ҳақ тўлашда келишув битими /контракт/ усулини қўллаш орқали амалга оширилади.

7.5. Қолган даромад коллектив томондан уч йўналиш бўйича тақсимланади;

- илмий-техник маблағни ташкил қилиш;
- ижтимоий ривожланиш маблағини ташкил қилиш;
- моддий рағбатлантириш маблағини ташкил қилиш;

7.6. Меҳнатга ҳақ тўлаш штатлар жадвалига биноан, кучга кирган норматив ҳужжатлар, "Atmosfera" ITLTI бошқармаси билан келишилган ва директор томонидан тасдиқланган структура асосида бажарилади. Маошга кўшиб бериладиган устама ва мукофот пули меҳнатга ҳақ тўлаш маблағи доирасида бошқарма билан келишилган ва директор томонидан тасдиқланган "Atmosfera" ITLTI ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиблари низоми асосида тўланади.

7.7. Ўзбекистон Республикасидаги илмий ва экологик ишлар билан шуғулланувчи ташкилотлар учун қабул қилинган барча солиқ ва бошқа имтиёзлар "Atmosfera" ITLTI учун ҳам қўлланилади.

7.8. Асосий ишдан ташқари жалб қилиниши мумкин бўлган мажбурий ишлар, масалан қишлоқ хўжалик ишлари учун тўланадиган ҳақ шартнома асосида амалга оширилади.

Фавқулодда ҳодисалар ва махсус жорий қилинган ҳолатларда бажариладиган ишлар бундан мустасно.

VIII. Давлат корхонасининг фойдаси

8.1. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин давлат корхонасида қоладиган соф фойда "Atmosfera" ITLTI ихтиёрида қолади.

8.2. "Atmosfera" ITLTI ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига корхона уставида назарда тутилган захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

VIII. Давлат корхонасининг жавобгарлиги

8.1. "Atmosfera" ITLTI ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис корхона мулки етарли бўлмаганда давлат корхонаси мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради.

8.2. "Atmosfera" ITLTIнинг муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

8.3. "Atmosfera" ITLTining филиали ва ваколатхонаси мажбуриятлари бўйича "Atmosfera" ITLTи жавоб беради.

IX. Давлат корхонаси фаолиятини назорат қилиш

9.1. "Atmosfera" ITLTи ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади, ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

9.2. "Atmosfera" ITLTи фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

X. Давлат корхонасини қайта ташкил этиш ва тугатиш

31. "Atmosfera" ITLTи муассис қарорига кўра, тегишли равишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.